



O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2015-yil, 20-avgust. Payshanba • 97 (32.000)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

■ Саноқли кунлардан сўнг қадимий Самарқанд заминидан ўзини бор «Шарқ тароналари» янграйди. Фестивалга тайёргарлик ишлари эса ҳар қачонгиданда кўтаринки руҳда олиб борилмоқда. Мазкур санъат анжуманини таржимонлар ва уларнинг меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фестивалди таржимонларнинг катта гуруҳи ҳам хизмат кўрсади.

Мухбиримиз бу ҳақда Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Ганишер РАХИМОВ билан суҳбатлашди.

ТАРЖИМОНЛИК МАҲОРАТИ

халқаро анжуман нуфузини белгилловчи муҳим омилардан биридир



— Аввало, шунинг таъкидлаш кераки, институтимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 ноябрдаги Фармони асосида ташкил этилган эди. Айни чоғда институтда 225 нафар профессор-ўқитувчи, жумладан, 13 нафар фан доктори, 58 нафар фан номзоди, 154 нафар ўқитувчи-педагог, шунингдек, 20 нафарга яқин хорижий мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 3 факультет, 14 кафедра, 14 тил ва маданият маркази, минтақавий тил ўргатиш маркази, таълим сифати таъминоти ва инновациялар маркази энг замонавий ўқув ва мультимедиа ускуналари билан жиҳозланган.

Жанубий Корея, Германия, Миср, Япония, Франция, Италия, АКШ, Хитой ва бошқа давлатларнинг бир қатор мутахассислари институтимиздаги илмий-педагогик фаолият жараёнида бевосита қатнашиб келади. Хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан илмий-амалий, педагогик ва техникавий соҳаларда 50 дан ортиқ давлат билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Томонлар ўртасидаги шартномалар асосида аниқ йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Самарқандда ўтказилган турли халқаро тадбирларда, хусусан, «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалларида институт жамоаси фаол иштирок этиб келмоқда.

Бундай нуфузли анжуманлар институтимиз ўқитувчилари ва талабаларининг таржимонлик тажрибасини оширишга хизмат қилади. Бу йилги фестиваль материаллари ўзбек тилидан ташқари жаҳоннинг туркиз тилига таржима қилиниши кутуляпти. Бу ишлар тўлиқ институтимиз ўқитувчилари ва талабалари зиммасига юклатилган. Биз бундан хурсандмиз.

Маълумки, Самарқанднинг меҳмонлари кўп. Бу кўпна шаҳар ҳаётини хорижий меҳмонларсиз, сайёҳларсиз тасаввур этиш қийин. Ўтказилаётган халқаро анжуманларда эса дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар ташриф буюришади. Институт жамоаси айнан шундай нуфузли тадбирларда фаол иштирок этиш билан хорижий тиллар, ўзга халқлар маданияти ва менталитетини мукамал ўрганишга, миллатимизнинг, ўзбек халқининг мустақиллик даврида эришган беқиёс ютуқларини оламга ёйишга муносиб ҳисса қўшаёпти.

«Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалига хорижий давлатлардан ташриф буюрадиган меҳмонларга гид-таржимонлик қилиш учун Самарқанд давлат чет тиллар институтидан дастлаб 200 нафар профессор-ўқитувчи, магистр ва бакалавр рўйхати шакллантирилди. Гид-таржимонларга юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, республикамиз ва Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар тўғрисида илмий асосланган маълумотлар бериш ҳамда хорижий меҳмонларни олиб юриш тартибига бағишланган семинар-машулотлар ташкил этилди.

Семинар-машулотларида олинган билим-қўникмалари ва таржимонлик маҳоратини баҳолаш мақсадида ўтказилган дастлабки танлов натижаларига қараб, ўн та хорижий тил бўйича 158 нафар гид-таржимон танланди.

Биз шундай нуфузли халқаро фестивалда қатнашётганимиздан, дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонларга юртимиз тарихи, тараққиёти ҳақида ҳикоя қилишдан фойдаланамиз.

Абдусул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Теп-текис, равон йўл. Чеккасида қўшша-қўшша кўркам бинолар. Саҳни катта боғ. Дарахтлари дуркун. Соя-салқиндаги ўриндиқларда кексалар дам олишяпти. Арғимчоқларда учаётган болалар қийқиришади. Фавворанинг ранг-баранг сувлари қалбга ором бағишлайди. Унга монанд куй янграйди. Боғ дарвозасидан невараларини етаклаган бобо-момолар кириб келишаверади...



ЧИРОҚЧИНИНГ БУГУНГИ ЧИРОЙИ

ҳавасми бу, хаёлми ёки ҳақиқат?!

► Давоми 4-бетда.

НАВОЙИ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 6 ОЙИ ЯКУНЛАРИГА КўРА, ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТУРЛИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА 92 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИНГАН.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА 2015 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИ ДАВОМИДА ФУҚАРОЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ЖАМИ 161 МУРОЖААТ ТУШГАН. УЛАРНИНГ 60 ТАСИ ЁКИ 37,3 ФОИЗИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПГАН БЎЛСА, АЙНИ КУНДА ҚОЛГАНЛАРИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

ХАЛҚИМИЗ ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛАРИ, ДЕПУТАТЛАРДАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР КУТМОҚДА

Хизмат сафари билан Бухорога йўл олдим. Эрта тонгданоқ ҳаракатланадиган «Шарқ» тезкорар поездига чиқдим. Тошкентдан бу кўхна замингача 6-7 соатлик йўл, сенга ҳамроҳ бўлган киши билан суҳбат қуриб кетсанг, масофа узоклиги сезилмайди ҳам. Ёнимдаги ўриндиққа келиб ўтирган аёл ўзини Зулфия Салимова деб таништиради. Бевосита касбий фаолиятим билан боғлиқ бўлган боис гап орасида суҳбатдошим билан сиёсий партиялар, депутатлар фаолияти ҳақида ҳам гаплашиб кетдик.

— Бухорога ЎзХДП фаолиятини ёритиш учун кетаяман, — дедим ҳамроҳимга.

— Мен ашайдиган ҳудуддаги сайлов округидан ЎзХДПдан Саломат Комилова депутатликка сайланган, — деди суҳбатдошим. — Очиги, у депутат сифатида ўз қатъиятини, ишончга лойиқлигини кўрсатди. Унинг ташаббуси билан Қорақўл туманидаги 300 ўқувчига мўлжалланган 3-умумтаълим мактабини қайта қуриш ишлари 2016 йил дастурига киритилди. Туманда ҳаракатланадиган тақсиларнинг нархи бутун йўналиш бўйича бир хил эди. Ҳозирги кунда нархлар йўлнинг узок-яқин-

лигига қараб мувофиқлаштирилди.

Йўл-йўлакай Зулфия опа билан ЎзХДП фаолияти ҳақида гаплашиб кетдик, депутатлик масъулияти, унинг бутун юкини елкасига олиб, тинимсиз изланаётган, меҳнат қилаётган халқ вакиллари ҳақида суҳбатлашдик. Шу тариқа манзилга етиб келганимизни ҳам билмай қолибмиз. Ёнг қизиги, ЎзХДП фаолияти билан танишган, ҳамроҳимнинг ижтимоий-сиёсий ислохотлар, уларнинг маъно-мазмуни ҳамда аҳамиятини яхши тушунишни, сиёсий партия фаолиятига ҳолис ва тўғри баҳо берганига амин бўлдим...

► Давоми 2-бетда.

Ҳамад САЛАМЕҲ,
(Қувайт)

Энг улуг, энг азиз байрамга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларида Мустақиллик байрамининг 24 йиллигини кенг нишонлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

► Давоми 3-бетда.

Бетакрорлигининг дунёга тараннум этамиз, Ватан!

Ўзбекистон ҳақида сўз кетса, унга кўпроқ бағрикенг диёр, деган таъриф берилади. Чунки бу ерда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилиб келмоқда.

Бу Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизга хос азалий урф-одат ва анъаналар кўз қорачигидек асраб-авайлаб келинаётгани, шу заминда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари амалда таъминланаётгани натижасидир.

Зеро, Бош қомусимизнинг 18-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЎЗБЕКИСТОН —
УМУМИЙ УЙИМИЗ



■ «КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ —
ХОТИН-ҚИЗЛАР ТУРМУШ
ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИДИР»

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Бухоро вилояти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари томонидан 14 масала партия гуруҳлари йиғилишларида кўрилди, 5 масала доимий комиссия, 3 масала шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларига олиб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА



Халқимиз партия етакчилари, депутатлардан ҳаётий ташаббуслар кутмоқда



Саида ЖҲРАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия
гуруҳи раҳбари:

— Ўзининг кўп асрлик тарихига эга Бухорода қадимдан ишлаб чиқариш соҳаси, кўп меҳнатининг қўллаб турлари ривожланган. Иш бор жойда албатта юксалиш бўлади, одамлар бугунги ва эртасига ишюн билан қарайди. Ҳозир бу кўнча заминда яшаётган кишилар дурдодорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мисгарлик, умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг қайсида тури билан шугулланиб, ўз худуди тараккиятига, оила фаровонлигига улуш қўшиб, ҳаётдан мамнун бўлиб яшамокда. Яна бир эътиборли жиҳати, бу орқали вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксалиб, жойларда ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик кенг қулаётган бўлиб, янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб борапти.

— Ўзининг кўп асрлик тарихига эга Бухорода қадимдан ишлаб чиқариш соҳаси, кўп меҳнатининг қўллаб турлари ривожланган. Иш бор жойда албатта юксалиш бўлади, одамлар бугунги ва эртасига ишюн билан қарайди. Ҳозир бу кўнча заминда яшаётган кишилар дурдодорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мисгарлик, умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг қайсида тури билан шугулланиб, ўз худуди тараккиятига, оила фаровонлигига улуш қўшиб, ҳаётдан мамнун бўлиб яшамокда. Яна бир эътиборли жиҳати, бу орқали вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксалиб, жойларда ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик кенг қулаётган бўлиб, янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб борапти.

тириш мумкин. Аҳамиятли жиҳати, бугун вилоятда эришяётган кишилар дурдодорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мисгарлик, умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг қайсида тури билан шугулланиб, ўз худуди тараккиятига, оила фаровонлигига улуш қўшиб, ҳаётдан мамнун бўлиб яшамокда. Яна бир эътиборли жиҳати, бу орқали вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксалиб, жойларда ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик кенг қулаётган бўлиб, янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб борапти.



Шухрат ИСМАТОВ,
халқ депутатлари
Бухоро вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва қарорлари мустаҳкамланмоқда. Халқимизнинг ўз вакиллари — депутатлар олдида қўйилган талаблар ҳам ортиб бормокда. Хусусан, депутат ўз сайлов округидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни изчил таҳлил этиб, ижтимоий масалалар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб бориши зарур. Бу борадаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга оширишда депутатлик назорати, депутатлик сўрови институтидан фойдаланиш яхши

самара бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан аҳоли, хусусан, электроташкилотлари ўйлантираётган масалалар юзасидан мутасадди сўрови юборилди. Бугунги кунга қадар уларда кўтарилган масалаларнинг 45 таси ижобий ҳал этилди.

Бундай амалий ишларни қанча кўпайтирсак, одамларга шунчалик фойдаси тегади ва партияимизга жамоатчилик ишончи ҳам ошади.



Шоҳиста НАБИЕВА,
Ўзбекистон ХДП
Бухоро вилоят
кенгаши раиси
ўринбосари:

— Бугун вилоятимиздаги 12168 нафар хотин-қиз ЎзХДП аъзосидир. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 3 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 17 нафар аёл депутат фаолият олиб бормокда. Вилоятдаги бошланғич партия

ташкилотларининг 234 тасида хотин-қизлар етакчилик қилмоқда. Рақамлардан кўриниб турибдики, партия Сайловолди дастурини амалга ошириш, электроташкилотлари манфаатини самарали ҳимоя қилиш аёллар фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият бошқаруви янада демократлаштиришда иштирокини кучайтириш, аёлларнинг бандлик даражасини ошириш масалаларида ҳам амалий ишлар олиб борилаётти. Жойларда хотин-қизлар иштирокида бир қатор долзарб мавзуларни қамраб олган сиёсий ўқувлар ташкил этила-

япти. Масалан, «Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари», қишлоқда қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳамда «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш», «Қонунлар тарғиботи» ойлари доирасида тадбирлар ташкил этилди.

Айтиш керакки, биз хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам маълум тажрибага эгамиз. Аввало, кам даромадли оилаларни қийнаётган масалаларни, вақтинча ишсизларни аниқлаб, чора-

тадбирлар кўряпмиз. Қанот ташаббуси билан ўтказилган учрашувларда билдирилган таклифлардан келиб чиқиб, уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ҳамда турли хизматлар кўрсатаётган фуқаролар билан корхоналар ўртасида корпоратив алоқалари ўрнатиб, қўллаб-қувватлаш, саначи сифатида меҳнат дафтарчалари очилди. Бундай амалий ишлар натижа-сида партияимизга қизиқувчи, сафимизга кириш истагини билдираётган хотин-қизлар тобора кўпайиб бормокда.

Депутатлар фаолиятини кучайтириш учун:

Партия гуруҳларининг ўз фаолиятини самарали ташкил этишида партия ташкилотларининг ўрни нисбатда муҳим. Айнан улар аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этишда депутатлик бирлашмаларига ҳар томонлама кўмак берадиган асосий воситалардан биридир. Демак, партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни изчил йўлга қўйишимиз керак. Очигини айтиш керак, партия ташкилоти билан ҳамкорлик қилмайдиган, партияда нима гап, қандай масалалар устида бош қотиришганидан умуман хабари бўлмайдиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Биз бир нарсани нуқтаи назардан қараймиз. Қачонки партия ташкилоти ва депутат ҳамкорлигида ишласа, бундан аниқ ва яхши натижани кутса бўлади. Ҳар икки томоннинг таклиф ва мулоҳазалари, фикрлари умумлаштирилса, бир эмас, бир нечта масалани ҳал этиш имкони бўлади ва бундан кўпчиликка манфаат етади.



Баҳриддин МУХИТДИНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Бухоро вилоят
кенгаши раиси
ўринбосари:

Мақсадимиз — ҳар бир инсон ўз ҳаётидан мамнун, бугунги ва эртасидан кўнгли тўқ яшасин. Айтиш керакки, аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни кўрсатиш, электроташкилот ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда партия кенгашлари қўшида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга партия бошланғич ташкилотлари, вилоят, туман ҳамда шаҳар кенгашлари, партия гуруҳлари эътибори кучайгани электроташкилотини қозонишнинг асосий омилларидан бирига айланди.

Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг катта қисми коммунал хизмат, ўз ишчини йўлга қўйиш, ишга жойлаштириш, маҳаллий иқро ҳокимияти идоралари масъулиятини ошириш билан боғлиқ бўлмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарининг жорий йилдаги фаолияти таҳлилий эътибор қаратадиган бўлсак, шу кунга қадар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарида 486 та мурожаат тушган. Уларни ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатлари мутасадди корхона ва ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқишди.

Масалан, Бухоро туманидан Лайло Қўлиева ишга жойлаштиришга ёрдам сўраб қабулхонага келди. Депутатлар унинг мутахассислигини ўрганиб чиқиб, шу асосда тегишли ташкилотларга мурожаат қилишди. Энг муҳими, масала ижобий ечим топди. У тумандаги 20-мактабга таълим муассасасига ишга жойлашди.

Фуқаро бизга ишониб қабулхонага келди. Шу боис мурожаатлар билан ишлаш, уларни ижобий ҳал этишга жиддий эътибор билан қараймиз. Бунда депутатлик сўрови ҳамда ижтимоий шериклик муносабатлари кўп келаяпти. Кўтарилаётган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналарига ишонччи янада мустаҳкамламоқда.



Лазиз БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши
«Истиқбол» ёшлар қаноти
етакчиси:

— Партия сафига кириб келганимга ҳали кўп бўлмади. Бироқ шу қисқа муддат ичида «Истиқбол» ёшлар қаноти мен учун ташаббуслар минбарига айланди. Айниқса, қанот томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбир менга ўзини кўрсатиш, фаоллигини намоён этиш, янги дўстлар орттириш ва билимимни, тажрибамни бойитиш учун хизмат қилди, деб бемалол айта олам.

Ўзбекистон ХДП сафига кириб келишимдан аввал ҳам партия тадбирларида мунтазам иштирок этишга ҳаракат қилардим. Унинг ижтимоий лойиҳалари, ёшлар ўртасида ўтказиладиган меҳнат ярмаркаси ва бошқа қатор тадбирлари менга жуда маъқул келди. 2009 йил ЎзХДП аъзолигига қабул қилиндим.

2011 йили институтни тамомлаб, иш фаолиятимни ўзим ишонган, хайрихоҳ бўлган партия тизимидан бошлашга қарор қилдим. Бугун «Истиқбол» ёшлар қаноти Бухоро вилоят бўлими етакчиси. Бу масъулиятли вазифа эканини чуқур ҳис қиламан.

Айни кунда вилоятимиздаги 10 615 нафар йигит-қиз қанотимиз атрофига бирлашган. Улар катта куч, ғайрат ва шижоат билан партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларида фаол қатнашаёпти.

Бир мисол. Ёшлар орасида анча оммалашига улгурган «Еш сиёсатчи» кўрик-танлов иштирокчилари сони бу йил вилоятда 600 нафардан ошди. Улар орасидан 11 нафари вилоят босқичида иштирок

Сир эмаски, сиёсий партия дастури ижросини таъминлаш, электроташкилотларининг ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Партия фаолларининг қайд этишича, бугун вилоятдаги 29 247 аъзони бирлаштирган 712 бошланғич ташкилот партиянинг таянчига айланган.

Қуйи бўйича партия кенгашларида катта тажриба борлиги бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини белгиламоқда. Масалан, партиянинг Бухоро шаҳар кенгашидаги 52 бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДПнинг қояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга, унинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Хизмат сафари давомида тарих ва замонавийлик руҳини ўзида бирдек уйғунлаштирган Бухорода ЎзХДП фаолияти яхши йўлга қўйилганига, одамларнинг партияга ишончи мустаҳкам эканлигига гувоҳ бўлдик. Кечга яқин ишни тугатиб, вилоят партия кенгаши биносидан чиқаётган маҳалда эшик олдида ёшларга дуч келдик. Маълум бўлишича, уларнинг бири ЎзХДП аъзоси экан, иккинчиси партия сафига кириш истагида бу ерга ташриф буюрган. Очиги, мавзуга нуқта қўйгимиз келмади. Шу баҳонада уларни ҳам суҳбатга тортидик.

«МЕН ЎЗХДП АЪЗОСИМАН»

— 18 ёшга тўлсам, бирор-бир сиёсий партияга аъзо бўлсам, деб кўп ўйлардим, — деди Бухоро давлат университети талабаси Мухайё Жўраева. — Коллежда ўқиб юрган кезларимда ЎзХДП ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда иқтисодий форумлар, «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси доирасида тадбирлар ташкил этилаётгани ҳақида эшитдим. Бухоро шаҳрида ўтказилган ана шундай тадбирларнинг бирида иштирок этдим, бу партияга қизиқишим ортди. Чунки ишга жойлашиш касб-хунар кол-

лежларини битираётган ёшларни ўйлантирадиган муҳим масалалардан биридир. ЎзХДП ёшлар учун нисбатда муҳим бўлган ҳаётий масалани кўтариб, бу борада кўпгина амалий ишлар қилаётганига гувоҳ бўлдим. Кейинчалик партиянинг бошқа тадбирларида иштирок этиб, менда ЎзХДПга аъзо бўлиш истаги пайдо бўлди ва партия дастури билан танишиб чиқдим. Қоялари ва амалий ташаббуслари менга маъқул келди. Энди мен бор кучим, билимим ва салоҳиятим билан ўзим ишонган ва аъзоси бўлган партиянинг дастурий мақсадларини рўйга чиқариш учун ҳаракат қиламан.

Депутат фикри

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Аксарият депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб берилаётгани, депутатлар кўтарган масалаларни ҳал этишга жиддий ёндашилаётгани бу борада маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари, корхона-ташкилотлар мутасаддиларининг масъулияти кучайиб бораётганини ҳам англатади. Депутат сўровининг таъсир кучи ошишида, жойлардаги катта-кичик муаммолар халқ вакиллари, масъул раҳбарлар ҳамжиҳатлиги асосида ечим топишида бу муҳим омил саналади.

Олдимизда турган вазифалар...

Турли соҳаларда катта ютуқларга эришиб келаётган иқтисодий, билим, салоҳиятли ёшлар билан мамлакатимизнинг олис ҳудудларида истикомат қилувчи тенгдошларимиз ўртасида жонли учрашувлар ташкил қилиниб, ёшларнинг ёшларга тарғиботи йўлга қўйилса, яхши бўларди. Шунда ёшлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик, уюшқоқлик янада мустаҳкамланади.

Катнашчилар шаҳар ва туманларда мавжуд ижтимоий муаммолардан келиб чиқиб, турли мазмундаги лойиҳаларни тақдим

этишди. Уларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадлари бирлаштирди.

Кўрик-танловда ғиждувонлик Санжарбек Аслоновнинг лойиҳаси кўпчиликка маъқул келди. Унда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида усталилик уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилган эди. Маълум бўлишича, Ғиждувон туманида 74 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг камиди 20 тасида усталилик уюшмаси ташкил этиш имкони бор. Энг муҳими, бу қўшимча иш ўринлари очиб, ёшларнинг касбий салоҳияти ва маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган «Коллеждан — корхонага» ва «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» лойиҳалари ёки ўзининг мустақил фикрига эга, сиёсий ва ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштирган ёшлар сафини кенгайтирувчи «Депутат ва ёшлар» лойиҳалари ижобий самара бермоқда.

ЎЗХДПГА АЪЗО БЎЛМОҚЧИМАН

— Оммавий ахборот воситалари орқали доимо ЎзХДП фаолиятини кузатиб бораман, — дейди Нодира Шукророва. — Яқинда бўлиб ўтган «Еш сиёсатчи» кўрик-танловининг Бухоро шаҳар ва вилоят босқичларида томошабин сифатида қатнашдим. Бу орқали партия ҳақидаги тасаввурим янада бойиди, ЎзХДПга бўлган қизиқишим ортди. «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳоқидаги «Еш сиёсатчилар» клуби аъзолари билан дўстлашдим, уларнинг сафига бўлишга қарор қилдим.

Бу ерга партияга аъзо бўлиш мақсадида келган эдим. Ҳозиргина партия дастури билан қайта танишиб чиқдим. Унинг мустақил ҳаётига кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишга доир таклифлари эътиборимни тортиди. Ўзбекистон ХДП шундай қояларни илгари сураётган экан, биз нафақат уни қўллаб-қувватлашимиз, балки бу ишларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этишимиз керак, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам бу партияга аъзо бўлмоқчиман...

Лазиз ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири.

Осоишталикда ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаш энг катта саодатдир. Фақат шундай жойдагина хайрли ишларга йўл очилиб, буюк бунёдкорликлар рўёбга чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2015-yil 20-avgust. Payshanba
97 (32.000)-son
www.uzbekistonovozi.uz

3

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

■ Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларида Мустақиллик байрамининг 24 йиллигини кенг нишонлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларига пойтахтимиз микёсида энг улуғ, энг азиз байрамга қандай тайёргарлик кўриляётгани тўғрисида ахборот берилди.

— Тошкент шаҳрида мустақиллик байрами тадбирлари бу йил ҳилдагидан бошқачароқ ўтказилади, — дейди **Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси мутахассиси Шамсиддин Қодиров**. — Олдинги йилларда байрам тадбирлари Алишер Навоий номидаги миллий боғда ўтказиб келинган бўлса, бу йилги тантаналар пойтахтимизнинг ўн бир майдон ва 14 саҳнасида ҳам ташкиллаштирилади. Мустақиллик байрами куни соат 11:00 дан 18:00 га қадар «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» эзгу гоёсини ўзида мужассам эттирган сценарий асосида халқ сайллари бўлиб ўтади.

Сценарий тўртта таркибий қисм — театрлаштирилган томошалар, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар тараннумига бағишланган дастурлар, болалар ансамбллари чикишлари ҳамда спортчиларнинг маҳорат кўриқларидан иборат бўлади.

— Байрам сайлининг концерт дастурларига пойтахтимиздаги 34 маданият ва аҳоли дам олиш тизимидagi бадий ҳаваскорлик жамоалари, вокал чоғу ансамбллари, «Халқ ансамбли» ва «Намунали ансамбли» унвоини эга бўлган гуруҳлар, болалар ашула ва рақс дасталари жалб этилган, — дейди **Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бўйича бош мутахассиси Лола Каримова**. — Шу билан бирга, бу тантаналарда туманларда фаолият кўрсатяётган бадий жамоалар, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови гоилилари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари иштирок этади. Санъат ва мусиқа мактаблари ўқувчилари, болалар санъат тўғараклари қатнашчилари ва спортчи ёшлар иштирокида кўргазмали чикишлар намойиш этилади.

Айни пайтда туман ҳокимликлари билан биргаликда майдон ва саҳналарни безаш ишлари олиб бориляпти. Бундан ташқари, аҳолининг турли қатламлари ўртасида байрам тадбирлари, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб берилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бетакрорлигинг дунёга тараннум этамиз, Ватан!

— Мустақиллик йилларида аж-доқларимиздан мерос меҳр-оқибат, дўстлик, ҳамжихатлик каби гўзал қадриятларимиз янги маъно-мазмун билан бойиди. — дейди **Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Мухаммадиев**. — Бу — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчликда, турли миллат вакилларининг ўзаро аҳиллигида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида юртимизда яшаётган барча миллат вакилларининг ушбу айёмга кўтаринки кайфиятда тайёргарлик кўраётгани ҳам уларнинг ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишончи мустақамлигини намойиш этмоқда.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортик миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида уларнинг миллий маданият марказлари фаолият кўрсатаётир. Ўтган йигирма тўрт йил ичида бу марказлар фаолияти ривожланиб, улар нафақат ҳар бир миллатнинг тилини, санъатини, маданиятини асраш, балки юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитининг янада мустақамланишига, тинчлик ва барқарорлиқнинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бунинг учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит таъминлангани, фуқаролар, айниқса, турли миллатлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлаётир.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб бориляётган тинчликсевар сиёсат эртанги кунимизга педагог, шифокор, ишчи, мураббийдан тортиб жаҳон чемпионига, маҳалла раисидан депутат, сенаторгача бор. Ўнлаб рус бадий жамоалари, актёрлари, хонандаларнинг ижодини нафақат халқимиз, балки дунё бўлади. — дейди **Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раиси Виктор Пак**. — Ўзбекистонимизда барча инсонлар тенг ҳуқуқлиги амалда таъминланаётганини тинч ва фаровон ҳаётимизда кўриб турибмиз. Бу дунёга машхур «ўзбек модели»нинг яна бир ибратли кўринишидир. Мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари каби корейс миллатига мансуб аҳолининг билим олиши, ўз она тилини ўрганиши, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган. Бундай кенг имкониятларни бизга фақат мустақил Ўзбекистон давлати берди. Истиқлолга биз, корейслар ўз она тилимизда сўзлашиш, уни ўрганиш имкониятидан маҳрум эдик. Шу боис катта авлод вакиллари орасида ўз она тилини билмайдиганлар бор. Давлат ва жа-

Давом. Бошланғи 1-бепда.



ЎЗА ОЛАН СУРАТ.

моат ишларида фаол иштирок этаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасида миллатдошларимизнинг кўпчилиги фахримизга фахр қўшади. Бу Ўзбекистонда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир. Шунинг учун биз Ватанимиз — Ўзбекистонни жон-дилимиздан севиб ардоқлаймиз, унинг тинчлиги, тараққиётига ҳисса қўишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз, деб биламиз.

Мамлакатимизда яшаётган рус миллатига мансуб аҳоли ҳам жамият ҳаётининг барча жабҳаларида самарали меҳнат қилаётир. Улар орасида педагог, шифокор, ишчи, мураббийдан тортиб жаҳон чемпионига, маҳалла раисидан депутат, сенаторгача бор. Ўнлаб рус бадий жамоалари, актёрлари, хонандаларнинг ижодини нафақат халқимиз, балки дунё бўлади.

— Ўзбекистон шундай жаннатмонанд, бағрикенг мамлакатки, унинг нонини, сувини тогдан инсон бу ерга, албатта, меҳр қўяди, — дейди **Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раиси Александр Аристов**. — Бу ерда истиқомат қилаётган руслар ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Энг муҳими, мамлакатимизда юксак умуминсоний қадриятлар, толерантлик мустақам қарор тоғини бизнинг эмин-эркин яшашимиз, эртанги кунга ишончимиз барқарорлигига замин яратган. Мамлакатимиз Конституциясининг 4-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат

қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Бош қомусимизда кафолатланган бу тамойил туфайли юртимизда яшаётган туркман миллатига мансуб аҳоли ҳам тенглар ичра тенг бўлиб, ўз тили, миллий урф-одатларини фаол ривожлантирмоқда.

— Бир-бирига меҳр кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш, кексаларни эъзозлашдек олижаноб фазилатлар юртимизда миллат ҳам, дин ҳам танламайди, — дейди **Ўзбекистон туркман миллий маданият маркази раиси Ҳасанмурод Қурбонов**. — Бундай юксак инсоний омиллар нафақат давлатимиз сиёсатида мавжудлигидан, балки одамларнинг қон-қонига сингиб кетганидан доим фахрланаман. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Адолатли жамиятда яшамокчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфаатларини ҳам ҳимоя этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзбекистонда тутилган, унинг замининда яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва этникодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир», деган фикрлари барча миллат вакилларининг кўнглини тоғдай кўтаради.

Дарҳақиқат, бу фикрлар амалда ўз ифодасини топиб, турли миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқий асослар яратилди. Уларнинг маданияти, тили, мил-

лий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилди.

«Свитанак» беларусь миллий маданият марказининг фаолияти ҳам фикримиз далилидир.

— Марказимиз қошида ташкил этилган фольклор ансамбли ва хор жамоаси Ўзбекистонда ўтказилаётган кўплаб маданият тадбирларида фаол иштирок этиш баробарида беларусь халқининг миллий куй-қўшиқларини келгуси авлодларга безавол етказишга муносиб улуш қўшмоқда, — дейди **Тошкент шаҳар «Свитанак» беларусь миллий маданият маркази раиси Лилия Белозерова**. — «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» фестивалларида совринли ўринларни қўлга киритганимиз. Бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъи назар, ихтимой-иктисодий ва маданият жараёнларида кенг ва эркин иштирок этаётир. Юрт равнақи йўлида қилаётган хизматлари давлатимиз томонидан эътиборга олиниб, доимий рағбатлантирилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги фармонида асосан «Дўстлик» орденига сазовор бўлганаман. Бундай юксак мукофот менга ва барча беларусь миллати вакилларига алоҳида ғайрат-шижоат бағишлайди, келгусида шу азиз Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигини янада мустақамлаш ва унинг тараққиётини юксалтиришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

Дарҳақиқат, оёсийшаликда ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаш энг катта саодатдир. Фақат шундай жойдагина хайрли ишларга йўл очилиб, буюк бунёдкорликлар рўёбга чиқарилади. Жаҳон аҳли эътироф этганидек, бу борада Ўзбекистонга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданият марказлар, уларнинг вилоятлардаги филиалларида энг улуғ, энг азиз байрамимизга юқори савияда тайёргарлик кўрилмоқда. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида анъанавий ўтказиб келинаётган байрам тадбирида уларнинг барчаси ўзлари тайёрлаган дастур орқали юртимизга бўлган меҳри, садокатини изхор этиш, Ўзбекистоннинг бетакрорлиги, ягоналигини дунёга тараннум этишни ният қилган.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Дунё

Маст ҳолда машина бошқариш

қимматга тушади

Маст ҳолда автотранспорт воситасини бошқарган ҳайдовчиларга қатъий чора кўрувчи мамлакатлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Австралия ҳам қатъий чора кўрувчи мамлакат сифатида эътироф этилади.

Гап шундаки, Австралияда ҳам маст ҳолда автомобиль бошқариш кам учрайдиган ҳолат эмас эди. Шу боис чоралар янада қатъийлаштирилган.



Яъни биринчи марта маст ҳолда қўлга тушган ҳайдовчининг гувоҳномаи махсус гувоҳномага алмаштирилади ва унга 6 ой ёки 1 йил вақт берилди. Шу муддатда у яна маст ҳолда рулга ўтирган бўлса, аяб ўтирилмайди: унга қамоқ жазоси берилди ва катта миқдорда жарима ундирилди.

Янги технология ишораларни тушунишни осонлаштиради

Кар ва соқовлар билан гаплашиш барчамизга муаммо туздириши тайин. Шотландиялик олимлар яратган янги технология эса айнан шу муаммони бартараф этади.



Олимлар кар ва соқовларнинг имо-ишораларини тезкор илғаб, хотирага ёзиб оладиган ва шу заҳоти сизу биз тушунадиган матнга айлантириб берадиган аjoyиб технология яратганлар.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу қурилманинг камераси имо-ишораларни ёзиб олса, унинг махсус дастури имо-ишораларни тезликда матнга айлантиради ва мониторинг ас эттиради.

Бу қурилмани оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, кар ва соқовлар билан тезда тил топиши кетиш осонлашади, дея ишонтиришмоқда олимлар.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Chorsu buyum savdo kompleksi» AJ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдоларига тақлиф этади.

Акциялар «EL SIS-SAVDO» AJ-нинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир донаси 11500 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони

582353 дона (Устав фонднинг 47,26 фоизини) ташкил этмоқда.

Шошилинг, имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Мурожаат учун: телефонлар: «EL SIS-SAVDO» AJ (+99871) 236-21-82, e-mail: elsavdo@mail.ru, www.elsavdo.uz

«Chorsu buyum savdo kompleksi» AJ tel: (+99871) 244-82-78, e-mail: chorsubuyum.savdokompleksi@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

«ESKI - JUVA DEHQON BOZORI» AJ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдоларига тақлиф этади.

Акциялар «EL SIS-SAVDO» AJ-нинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир до-

наси 11 000 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 1 185 133 дона (ёки барча чиқарилган акцияларга нисбатан 35,010 фоизини) ташкил этмоқда.

Шошилинг, имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Мурожаат учун телефонлар:

«EL SIS-SAVDO» AJ tel: (+99871) 236-21-82, e-mail: elsavdo@mail.ru, www.elsavdo.uz

«ESKI - JUVA DEHQON BOZORI» AJ tel: (+99871) 242-46-90, e-mail: eski-juva-dehqon-bozori@mail.ru, www.eskijuva-bozori.uz

Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома №795

Жамғарма кўмагида

110 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари тузилди

Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотларининг иккинчи халқаро кўргазмасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан юртимизнинг 48 та корхонаси иштироки ташкиллаштирилди.

Халқаро кўргазмада ўзбек тадбиркорлари илк бор қатнашганликларига қарамай юқори натижаларга эришиб, маҳсулотлар экспортни буйича умумий миқдори 110 млн. АҚШ долларига тенг 14 та шартнома тузишди. Айтиш керакки, кўргазмада Канада, Германия, Италия, Испания, Австрия, Венгрия, Кипр, Австралия, Филиппин, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Иордания, Эрон, Хиндистон, Қозоғистон, Туркменистон каби 40 дан зиёд давлатларнинг компания ва концернлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этишди.

Бизнинг юртимиздан 48 та озиқ-овқат саноати корхонаси кишлоқ ҳўжалиги, қайта ишланган сабзавот ва мевалар, шарбатлар, шифобахш чойлар, асал ва бошқа



маҳсулотлар билан иштирок этди. Жамғарма ҳамкорлари томонидан уларнинг кўргазмадаги иштироки буйича барча харажатлари қоплаб берилди.

Эътиборлиси, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати, экологик тозаллиги ва табиий хусусиятлари билан чет эллик


ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди. Чунончи Хитой азалдан Осиёнинг асал буйича йирик экспортчиси эканлигини айтиш мумкин. Хитойликлар асалнинг бир килограммининг ўртача 2 доллардан экспорт қилсалар, Ўзбекистон асали учун бир килограммига 6 ярим доллар тўлашга ҳам тайёр эканлигини билдиришди.

— Кўргазма иштирокчиларида мамлакатимизда етиштирилган асал катта қизиқиш уйғотди. Натижада хорижий ҳамкорлар билан 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномаси тузишга эришдик — дейди кўргазма иштирокчиси, Намангандаги «Соф асал» МЧЖ раҳбари А.Халилов. — Жамғарма томонидан кўрсатилган хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини янада ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ 2015 ЙИЛГИ WORLD JUSTICE PROJECT ХАЛҚАРО НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТДА ТАРТИБ ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ КЎРСАТКИЧИ БЎЙИЧА МДХ ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.



■ МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛА МАНФААТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА УСТУВОР ДАРАЖАДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИГА ДООИР АХБОРОТ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НЬЮ-ЙОРКДАГИ ҚАРОРГОҲИДА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 69-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУҲЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Чироқчининг бугунги чиройи

ҳавасми бу, хаёлми ёки ҳақиқат?!

— Ишонасизми йўқми, ўзингизга ҳавола, бу манзарани олти ойча илгари тушимда кўрган эдим, — дейди Чироқчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шерали Хусайнов. — Невараларимни эргаштириб оромгоҳни роса кезган эмишман. Шунчалик мафтун бўлиб қолибманки, уйғониб қарасам, тушим экан. Таъбирини яна ўзим топдим. Бу — юрагимизда туғилган ширин орзуларимиз амалга ошаётганини муждасидир.

— Мени айтмасизми, — дея суҳбатга қўшилиди «Чироқчи» МФЙ раиси Сулвур Бердикулова. — «Янги бог бўларкан, аргимчоқлар қуриларкан», деб эшитганимда ишонмаганим, чунки қанча йилдан бери эски истироҳат боғи ташландиқ бўлиб ётганди. Кейин, янги ҳоким ғайрат қилибди-да», деб умидландим. Ахир, болаларимиз қаерда дам олиши билишмайдими...

Бу суҳбат 2014 йилнинг Наврўзи арафасида бўлиб ўтган эди. Мен атай бориб, харобага айланган болалар боғини кўрдим. Эҳ-хе, озмунча маблаг керакми? Яна ишонмаганимнинг сабаби шундаки, бу масала ўн йиллар давомида гапирилиб, ҳал бўлмай келётганди.

Чироқчи халқи меҳнаткаш. Бироқ яқин ўтмишда қир-адирларга маржондек сочилиган қишлоқлар аҳолисининг турмуши пахта ва чорвага боғлиқ эди. Саноати ривожланмаган, пахсадан тикланган хароба мактаблар... Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида ишлаган кезларида бу туманга кўп бор келиб, юксалиш режаларини тизганлар. Чироқчининг марказидаги катта йўлларнинг ташаббуси билан асфальтланган эди. Очиги, тумандаги раво ягона йўл ҳам шу. Аммо Чироқчи тумани мустақиллик йилларида чинакамга тараққий эта бошлади. Ўнлаб замонавий мактаблар, коллежлар, кичик корхоналар қурилди. Жами 43 километрлик «Келеф-Қўдала» газ

куври тортиб келинди. Биргина ўтган йили 8 миллиард сўмга яқин маблаг сарфлаб, туман марказий шифохонаси қурилди. Янги йил арафасида шарҳ марказида уч қаватли болалар мусика ва санъат мактаби биноси ишга туширилди.

Ҳа, булар — юксалиш одимлари. Бироқ туман маркази қиёфаси секинлик билан ўзгараётган эди. Бунинг боиси шундаки, шаҳарнинг бош режаси йўқ эди. Ҳар ким истаган жойидан қурилишни бошлаб юборарди. Шу кунгача ўтган туманнинг биринчи раҳбарлари муаммони ечишга деярли эътибор беришмади. Ростки, қурблар етмади. Икки йил аввал туман ҳокими ва ўринбосарлари алмашди. Янги раҳбарият хайрли ишларга қўл ура бошлади. Ташкентдаги шаҳарсозлик илмий-тадқиқот институтига Чироқчи шаҳрининг бош режасини тузиш юзасидан буюртма берилди. Мутахассислар келишди, ҳозир бош режа тўлиқ тайёр.

Унга кўра, қурилиш-ободончилик ишлари бошланиб кетди. Бироқ шаҳар марказидаги деҳқон бозорини қайта қуриш жараёни айримларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Аммо ҳокимият қатъий турди. Ҳозир аниқ ва чиройли лойиҳа асосида марказий деҳқон бозори қурилиши давом этмоқда. Бозор ичидан қарийб 3-3,5 минг тоннагача чиқинди ташиб чиқилди. Хуллас, катта ишлар

бошланди, энди энг катта юмуш болалар боғини бунёд этиш эди. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган қарориди маданият ва истироҳат боғларини обод қилиш вазифалари қўйилганди. Афсуски, Чироқчи шаҳри марказидаги эски болалар маданият ва истироҳат боғига «эга» чиққанлар жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатишди.

— Мен очигини айтман — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, ЎзАДП фаоли Жўра Маманов. — Тараққиётга, кўпчилиكنинг эзгу орзусига тўқинлик қилганлар ҳеч вақт ғолиб чиқолмайдими. Отасига раҳмат янги раҳбариятнинг, кўпчилиكنинг дилидаги юмушларга қўл уришмоқда. Шаҳсан мен кўшини Шаҳрисабз, Китоб, Яқкабоғ шаҳарларининг жадал обод бўлаётганига ҳавас қилман. Ҳозир Чироқчи шаҳрида 25-30 минг аҳоли истикомат қилади. Ҳадемай у замонавий шаҳарга айланади. Чунки хайрли қадамлар қўйилмоқда. Юринг, янги боғдаги ишларни ўз кўзингиз билан кўринг...

Шу кун 14 август куни эди. Хали қуёш тиккага келмаган. Мен шу йил айнаи баҳор фаслида бошланган қурилишни кўрган эдим. Ростки, кўларимга ишонмадим. Қисқа фурсатда катта юмушлар бажарилибди. Шу кун камида 450-500 киши ҳашарга чиқибди. Мен лойиҳа, қурилиш



ва маблаг масалалари билан кизикдим. Айтишларича, ҳокимият 600-650 миллион сўм маблаг ажратибди. Аммо 3 гектарлик боғда шунчалик кўп қурилиш амалга ошганки, уларга бир неча миллиард сўм маблаг ҳам етмайдими. Билсам — бу тадбиркорларнинг ҳиммати экан. Улардан бири Фахриддин Мовлонов билан шу жойда танишдик. Автомобилларни созлайдиган устакхонаси бор экан. Ўғиллари — Зулфигор, Фарход, Тўлқинжон ҳам отаси изидан боришибди. «Бизга боғдан алоҳида ер ажратилгач, ўғилларим интернет орқали лабиринт — сирли ойнали уйча қуриш усулини ўрганишди. Тарҳини ўзимиз чиздик, ана шу кичкинагина уйчада 120 дона кўзгу ўрнатилган. Қирган одам 16 метр масофани босиб, адашмай ташқарига чиқа олиши керак. Чиндан сирли уйча, шундай эмасми?», дейди Фахриддин Мовлонов.

Унинг ёнида тадбиркор Бахтиёр Турдимуродов аллақачон қурилган «Расмхона»сини пардоздан чиқараяпти. Шу бино қаватида яна бир тадбиркор Актам Султонов «Музыкаймоқ» кафесини қурибди. Эътиборни тортадиган лойиҳа — 400 ўринли «Амфитеатр» қурилиши давом этаёпти. Томошагоҳ бандан кўтарилган куйига пастлаб борадиган ўриндиқлар ўрнатилган. Томошагоҳнинг орқа айланасида 9 та хона қурилган бўлиб, уларда

маиший хизмат шохобчалари жойлашар экан. Уста Собир Мирзаев ва шериклари жадал меҳнат қилишмоқда. Тадбиркор Холлиёр Ўтаев томи қуббали, кўркам ошхона қурибди. Болалар учун тир ҳам тикланибди. Шу жойда аjoyиб тадбиркор Санжар Хушвақтов билан танишдим.

— Илгариги аргимчоқлар эскирди, — дейди у. — Қаранг, мана бу аттракционда бир йўла 24 нафар, отлар аргимчоғида 16 нафар, бу халинчада эса 20 нафар бола ўйнаб, уча олади. Мана, бу «Автодром»да 8 та митти автомобиль болаларга мунтазир. Бундан ташқари, яна 3-4 хил ўйнайдиган ускуналар ўрнатилган. Катта маблаг керак-а? «Болалар қувонч маскани» хусусий корхонамиз бор. Туман халқ банкидан 226 миллион сўм кредит олдик. Бу ускуналарнинг ҳаммасини Хитой давлатидан олиб келдик.

Очиги, ўтган оз фурсатда шунчалик кўп қурилиш амалга ошганки, хайратимни яширмай, ғайрат билан ишлаётган юзлаб хашарчиларни оралаб, бог марказидаги фаввора қурилишига келаман. Асосий ишлар битган, айтишларича мусика садоси остида сув осмонга отилармиш. Хашарчилар билан суҳбатлашаман.

— Мактабимизда 700 ўқувчи таълим олаяпти, мен болаларимиз бу боғда мириқиб дам олсалар, яхши дарс қилишлари, соғлом ўсишларига ишонаман. Мактабдан 25

ўқитувчи ҳашарга келдик, — дейди 25-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Мунассар Нормуродова.

Бу йил Чироқчи тумани учун муваффақиятли бошланди. Фалладан катта хирмон кўтарилди, ўнлаб янги кичик корхоналар тикланаяпти. Кеча — 19 август куни яна бир қувончли воқеа бўлди. Янги болалар боғининг тантанали очилиш маросими Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами тантаналарига улашиб кетди. Боғга минг-минглаб чироқчиликлар ташриф буюришди.

Мен яна бир маълумот билан танишдим: Мамлакатимиздаги 148 та маданият ва истироҳат боғи сафига бу йил яна 77 таси қўшилибди.

...Оқшом тушди. Электр чироқлари чарақлади. Болалар турли аргимчоқларда уча бошлашди. Болаларку болалар, ота-оналарнинг қувончини кўрсангиз... Шу пайт бог ўртасидаги фаввора сувларини кўкка ота бошлади. Аjoyиб мусика жаранглади. Болаларнинг қувонч қийқириғи янгради, уларнинг беғубор кўзлари порлади. Болаларнинг ана шу қувончи, бахтли онларини кўриш учун ҳар қанча меҳнат қилсак арзийди, деган фикр ҳаёлга келди.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҲУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

■ Бу корхонадаги юқори технологияли тўғма ишлаб чиқариш линияси «Ўзбеклизинг» компанияси билан ҳамкорликда Италиядан келтирилди.

Наманган шаҳридаги «Button fashion desing» компанияси

«Ўзбек тугмалари» ёрлиғи билан 400 дан ортиқ турда маҳсулот ишлаб чиқармоқда

— Италиялик мутахассислар ёрдамида маҳаллий кадрлар ўқитилиб, замонавий технология тўла ўзлаштирилди, — дейди компаниянинг тижорат ишлари бўйича директори Илхомжон Исоқонов. — Синов ишлаб чиқариш жараёنларига 2014 йилнинг иккинчи ярмидан киришилганди.

Бугунга келиб корхонада болалар, аёллар ва эркеклар кийим-кечаклари учун полиэфир смоладан тўғма ишлаб чиқаришмоқда. Ўта ихчам кўринишдаги компьютерлаштирилган технология кунига 300 минг дона тўғма ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур корхонада тайёрланаётган 400 дан ортиқ турдаги тугмалар мамлакатимиздаги 90 дан ортиқ тикувчилик корхоналарига шартнома ва алоҳида буюртмалар асосида етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг олти ойида қиймати 111 миллион сўмдан ортиқ 3 миллион 300 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

СПОРТ

Совриндорлар сафида

Бразилиянинг Сальвадор шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати якунланди.

Мусобақанинг юнон-рум кураши беллашувларида полвонларимиздан Жаҳоҳир Мираҳмедов (50 кг) ва Исрол Бахромов (55 кг)лар бронза медал билан тақдирланди.

Уч олтин, икки кумуш

Шу кунларда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида велотрэк бўйича Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнир қизгин давом этмоқда.



Маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, Руслан Федоров скретч пойғасида барча рақибларини ортада қолдирди.

Кеча ўтказилган баҳсларда велоспортчиларимиз яна битта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлдилар.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³.

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³.

АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³.

КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОНЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³.

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³.

Гарантия 1 год

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.